

ҲАММА ПАХТА ТЕРИМИГА!

● РАЙОН ВА ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИ, ОЛТИН БОЙЛИГИМИЗНИ ТЕЗРОҚ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШДА ПАХТА-КОРЛАРГА ЁРДАМ БЕРАЙЛИК. ● ТЕХНИКА ВА МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ БАРЧА АҲОЛИНИ ТЕРИМГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК!

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 194 (4653).

30
СЕНТЯБРЬ

ШАНБА
1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

КУНИГА 5-6 ПРОЦЕНТ

Хар куни давлатга йиллик
планининг беш-олти проценти
миқдорида пахта топираётган
Янгийул районидagi «Ленин-
изм» колхозини пахтакорлари
марра сари дадил итишмоқда-
лар. Улар бу йил 3485 тонна
ўрнига 5 минг тоннадан ортиқ
пахта топиришти қарор қи-
лишган.

Хозир йиғим-терим қизит-
ган кунларда терим агрегат-
лари кечаю-кундуз тинимсиз
гурилмоқда. Механизаторлар
бир тав-бир жон бўлиб, хир-
монга қўлаб пахта тўкишмоқ-
да. Колхоз далаларида 38 та

терим машинаси тинимсиз жа-
лон уряпти. Бу машиналар
ҳосилининг 80—90 процентини
териб олади.

Колхозда йиғим-терим пеш-
қадамлари бор. Раҳимқул Пи-
римқулов, Мирзааҳмад Хожим-
боев бошлиқ бригада аъзолари
суръатни оширмоқдалар. Яқин
кунларда улар зафар марраси-
га етиб келадилар.

Механизаторлардан Раҳмат
Нижомбоев, Абдулла Тиллаев,
Тўлаган Тожиев, Абдурауф
Абдурахмонов, Мирзааҳмад
Илашевлар ҳар куни эл хир-
монига 5—6 тоннадан пахта
тўкимоқда.

СССР ташкил тошган кун-
нинг эллик йиллигини муносиб
кутиб олишга ҳаракат қилаёт-
ган колхоз зарпунослари йи-
ғим-теримни қисқа муддатда
туталаш тадбирларини кўри-
моқдалар. Ўзaro социалистик
мусобақа тобора авж олдирил-
моқда. Чевар теримчилар ҳар
куни юзлаб килограмдан пах-
та теришмоқда.

Колхоз пахтакорларининг шу
кунлардаги ҳаракати ўз им-
маларидаги мажбуриятни оши-
риб бажаришларида далолат
бериб турибди.

Э. ТОШМУРДОВ.

ПАХТА УЧУН КУРАШ — ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Пахта фронтда долзарб кунлар бошляди. Ватан, эл-юрт
мамлакатимиз олтин бойлигини бунёд этиб, улкан хирмон у-
ятган республикамиз азамат пахтакорларининг гайрат ва шижо-
ати, мардлик ва маҳоратига минг-минг тасанно ўқимоқда.

Шу кунларда ҳар бир меҳнаткашнинг, каттаю-кичик барча
меҳнат аҳлининг қалби бир мақсад, юксак иштиш ва олижан-
об меҳнат билан жўш ўрмоқда: ПАХТА УЧУН КУРАШ
ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ. «ОҚ ОЛТИН» ИМИЗНИ ТЕЗ-
РОҚ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИБ, ДАВЛАТГА ТОПИШИРИШ —
ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ. Бу ватанпарварлик туйғуларини,
олижаноб фазилатларини ҳар биримизнинг кундалик меҳнат фа-
олиятимизда ёрқин кўриш мумкин. Ҳар куни ишнинг ва ҳа-
ракатимиз пахта фронтдаги воқеалар билан, пахтакорнинг бу-
гунги ва эртанги ишлари билан бошланади. Ҳар бир меҳнат-
каш ўз олдига — олтин хирмон уюшда мен пахтакорга қандай
кўмаклашсам, деган юксак тўғу ва мақсадни қўйган.

Шунинг учун ҳам шаҳар ва районларнинг меҳнаткашлари
пахтазорга отландилар. Улар далаларда кечаю-кундуз меҳнат
қилаётган колхозчилар, совхоз ишчилари, қаҳрамон механизатор-
ларимиз билан бир сафда туриб шижоат кўрсатмоқдалар,
пахта термоқдалар.

Областимиз пахтакорлари ўз зиммаларига олган юксак со-
циалистик мажбуриятни бажариш — ойна-Ватанга 400 минг
тонна пахта етказиб бериш учун бутун куч ва имкониятларини
сафарбар этиб, гайрат ва шижоат билан ишга киришдилар.

Дастлабки допон ошиди. Кечаги кунгача 130 минг тоннадан
ортиқ пахта топирилди. «Оқ олтин» фронтда марди-майдон
механизаторларимиз ҳар қачонгидек юксак маҳорат билан иш-
ламоқдалар. Областимиз бўйича машиналар билан кунига 4—5
процентдан пахта тайёрланмоқда. Юқори Чирчиқ районининг
«Зангори кема» қашиталари юксак курсаткича эришмоқда-
лар. Уларнинг бир кунлик курсаткичи 6 процентдан ҳам ошиб
кетмоқда. Оқдўғонлик моҳир механизаторлар кун сайин суръ-
атга суръат қўшмоқдалар. Улар бункерлардан энг кўп пахта
тўғиб, кунлик ўсимида 5 ва ундан ортиқ процентга эришмоқда-
лар. Пискент ва Ўрта Чирчиқ, Бўка ва Бекобод районларида
ҳам машина теримни жаддалаштиришди.

Бу йилги шароит ҳар бир пахтакор, механизатор, партия,
совет ва ҳўжалик ходимидан юксак уюшқонлик ва маҳорат
кўрсатиб, ишлашни талаб этади. Ташкилотчилик ва меҳнат иш-
тисоми яқин йўлга қўйилган районлар ва ҳўжаликларда самар-
али натижаларга эришилмоқда. Пахта фронтда каровонбошлик
қилаётган механизаторлар октябрнинг биринчи яримда, ўр-
та-кўнрақликлар, асосан биринчи ўн кунликда марраи эгзаланиш
ўз олдига қўйган вазифа қилиб қўйдилар. Бошқа район-
ларнинг пахтакорлари ҳам бугун-эртдан бошлаб 4—5 про-
цент ва ундан ҳам ошириб пахта тайёрлашга қарор қилдилар.

Беришган вақтда, олтинга мажбуриятни бажариш — мар-
дининг иши. Ҳар бир районлар ва колхоз-совхозлардан яна
да зўр бериб уюшқонлик билан ишлашни талаб этади. Обла-
стимизнинг пахта тайёрлаш суръатини ошириш учун ҳамма ер-
да старли ишқончилар бор. Афсуски, айри районлар ва ҳў-
жаликларда бу ишқончилардан тўла фойдаланилмаётган. Ма-
шиналарнинг икки-сменда ишлашга эришилмаган. Теримчи-
ларнинг меҳнат уюмдорлиги паст. Янгийул району кундалик
ўсимида ва йиллик ишнинг бажаришда ҳаммадан орқада бор-
моқда. Бу районнинг партия, совет ва ҳўжалик раҳбарлари,
муҳим сиёсий кампанияда энг орқада келаётганлигини на-
ҳотки ҳис этишмасан! (Янгийулликлар пахтанинг ойналмаётган-
лигини руҳан қилмоқдалар. Бу муллаҳо ўрнисиз баҳона. Ҳамма
районлардагидек бу районнинг ҳўжаликлариди ҳам пахта қи-
йғос очилиб етибди. Лекин район раҳбарлари ишда ташкилотчи-
лик ва маҳорат кўрсатишмаётган. Иттизом бўш, уюшқонлик
юксак эмас. Бу районнинг кўпчилиги ҳўжаликлариди кунига 4—
5 процентдан ошириб пахта тайёрламоқдалар. Турсунбой Оху-
нов сингари механизаторлар 15—20 тоннадан ошириб пахта
термоқда. Район партия комитети ва район иқтисодиёти
илгор ҳўжаликлар ва механизаторларнинг тажрибаларини
оммалаштирмаётганлар. Қолди ҳўжаликларнинг ишларини чу-
қур таҳлил қилиб, уларга амалий ёрдам беришмаётган. Ша-
ҳар ва район аҳолиси пахта тайёрлашга тўла сафарбар этилмаган.

Элликцентриччилик ҳаракати, ташкилотчилар ватани бўлган,
мамлакатга Турсунбой Охунов ва сингари аjoyиб механизатор-
ларни етиштириб берган янги йўналишлар катта маъракада ор-
қалда қолаётганликларида тегар, атини хулосалар чиқариб олиш-
ла, пахта тайёрлашда жиддийте, ўзгартиш ясашлари лозим.

Областимизнинг баъзи районидаги ҳўжаликларда ҳам
пахта терим ва тайёрлаш суръатлари турлича. Илгор колхоз
пахта терим ва тайёрлаш бир қаторда, орқада қолаётган ҳўжаликлар
ҳам бор. Ҳамма ерда, барча раёнлар ва колхоз, совхозларда
юксак суръатга эришайлик.

Район партия, совет ва ҳўжалик ташкилотлари, колхоз ва
совхозларнинг раҳбарлари пахтакорларни республика партия-
хўжалик активининг КПСС Маркази Комитети Бош секретари
ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтказилган йилги пахта
ўртага қўйилган юксак ва масъулиятлиқ юбилейини муносиб
кутиб олиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солиб
ташкилотчилик қобилиятларини яна да юксак даражага кўта-
ришлари лозим. Бунинг учун коммунистлар ва комсомоллар-
нинг авангардчилигини таъминлаш, сиёсий-идеологик мусобақани
кенг қўлчи ёйдириб, илгорлар тажрибасини оммалаштириш,
ҳамма ерда юксак уюшқонлик ва иттиҳозини таъминлаш зарур.

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар Р. шаҳар ва район ме-
ҳнаткашлари, ҳаммамиз пахта учун кўсСРашга отланайлик. Ме-
ҳнатга лаёқатли ҳар бир киши пахта териминида қатнашин. Ма-
шиналарнинг икки сменда ишлашнинг таъминлаб, кунига беш-
олти процентдан ошириб пахта тайёрлашга эришайлик. Механи-
ка-ҳайдовчиларга яхши шароит яратиб берайлик. Пахтакор-
ларга, ҳосил териминида қатнашаётган кишиларга маданий-маи-
нарий, савдо хизматини яхшилаш, тўғон пунктлари ва
пахта тозалаш заводларининг аниқ ва лга улашқис ишлашнинг
таъминлайлик.

Областимиз пахтакорлари, тезроқ маррага етиш ва юксак
хирмонимизни тезроқ уюш, қолдиблар бу даврдан олдинги
ўрнларини олиш, пахта фронтда каровончиликнинг, механизатор-
ларнинг шон-шухратини янада шарафлаш учун бел боғлаб,
енг шижоатли меҳнат фронтга отланайлик. Суръатга суръат
қўшайлик. Пахта учун кураш — ҳаммамизнинг жонажон, ша-
рафли ишимиз ва юксак бурчимиздир.

Суръат қаноти

«Тошкент ҳақиқати» газетаси
мухбирлар пости Оқдўғонда-
ги «Ўзбекистон ССР беш йил-
лиги» совхозидан хабар қи-
лади.

Далаларда машиналар тобо-
ра қўпаймоқда. Бундан икки
кун илгари 30 га яқин маши-
на қўйилган бўлса, кеча улар-
нинг сони 90 га яқинлашди.

Бир кунда 355.8 тоннадан зи-
ёд пахта топирилди. Кунлик
ўсими салкам 400 тоннага
яқинлашди. Совхоз механик
ҳайдовчилари суръатга қайот
боғлаб, гайрат ва шижоат кўр-
сатмоқдалар.

Ташаббускор, донгдор ме-
ханизаторлар Эввер Алиев, Аб-
дусаттор Сулаймонов, Абду-
раим Орзикулов, Насрат Уру-

нов, Чачи Субҳи ўртоқлар ўз
«зангори кема»ларидаги уюм-
ли фойдаланиб, белгиланган
нормани анча ошириб бажар-
моқдалар.

Машиналар бугун-эрта яна
қўпайди. Кунлик суръатини
беш-олти процентга, ҳатто ун-
дап ҳам кўтарилиш тадбирла-
ри кўришмоқда.

САОДАТ ГУЛАХМЕДОВА 100 ТОННА ПАХТА ТЕРДИ

Донгдор пахтакор Саодат Гу-
лахмедова «Ўзбекистон» маши-
наси бункеридан 100 тонна «оқ ол-
тин» тўқди. У бошлқ коллектив
Бўка районидидаги Ҳамма номи
колхозда биринчи бўлиб, баҳордан
чингит ишини туталашган эди. Бу
бўйи гулаҳмедова 6 марта ишлов
берилиб, сифатли парварини қи-
лиди. Бригада аъзолари меҳри-
га қонган гулаҳмедова эрта етди.
Пировардида теримга ҳам бирин-

чилар қатори киришляди.

72 гектар пахтазорда биринчи
терим туталашди. Гектар боши-
га 19 центнердан ҳосил янгиб
олинди. Шу кеча-кундузда ик-
кинчи терим ҳам қизиб давом
этайпти. Бригада аъзолари хо-
силдорлигини гектар бошига эл-
лик центнерга етказишга аҳд
қилишляди. Ҳосилининг ҳаммаси
машиналар билан териб оли-
нмоқда.



СЕРВЕР ЖАСОРАТИ

▲ ИЙЛИК ПЛАН БАЖА-
РИЛДИ ▲ ЯНГИ МАЖБУРИ-
ЯТ 50 ЦЕНТНЕР. ▲ БУН-
КЕРДАН 190 ТОННА ПАХ-
ТА ТЎҚИЛДИ. ▲ ҲАР КУ-
НИ 15—16 ТОННА.

Пахтазорда «зангори кема»
бир маромада сузди. Улкан
бункер дамба-дам оппоқ дур
билан тўлиб боради. Рузда
ўтирган Сервернинг чехрасида
табассум балқийди. У рузига
моҳирлик билан бошқариб, со-
ат сайин иш уюмини ошпа-
ди.

— Кеча Сервер бункердан
16 тоннадан ортиқ пахта тў-
қиди!

— Хозиргача 190 тонна те-
рибди.

Колхозчилар тилида ҳар ку-
ни шу гап.

Ўрта бўй, миқти савдали
йигит чакқон ҳаракат билан
руздан тушиди. Келганлар бил-
дан суҳбатлашар экан, тез-тез
машинасига қараб қўяди. Иш
тиғиз, ҳамма гап шу, дегаддек
саволга қисқа жавоб беради:

— Планик бажардик, энди
мажбуриятга топиришимиз.

— Бу йил қанча пахта те-
ришқисиз?
— Мўлжал 400 тонна.

— Гектаридан неча цент-
нердан ҳосил олинди?

— Хозир 26 центнердан ош-
ди. Звеноник коллективни би-
лан бор ҳосилни чамалаб кўр-
дик. Иил бошида 45 центнер-
дан мажбурият олинган эди.

Ҳосилдорларнинг 50 центнерга
етказишга қарор қилдик. Пах-
танинг жамини машиналар ёр-
дамида териб оламиз.

Сервер бу сўзларни фахр
билан гапирди. Бир кунда 15
— 16 тонна пахта терим учун
қанча одам кучи керак бўлар
эди? Эндиликда битта агрегат
ёрдамида бир неча юз киши-
нинг иши бажаришмоқда.

Сервер ҳар кун тоннадан иш
бошляди. Дастлаб агрегатни
сиянқлаб қўздан ўтказди.
Баъзи қисмларини қайта маҳкам-
лайди, мойлайди. Механизатор
ўз агрегатига шундай муноса-
батда бўлмаса, мўлжалдаги
ишни ҳеч қачон амалга оши-
ролмастлигини ахши биларди.

Шунинг учун ҳам ўз агрегати-
ни мавсумгача ўзи созлади,
қайта-қайта сынаб кўрди. Мана

энди теримнинг қизгин палла-
сида машина юксак уюм билан
ишляпти. Унинг юқори кўр-
саткича эришяётганининг бош-
си ҳам мана шунда.

Сервер колхозда ешқикдан
тракторчи бўлиб ишляди. Ас-
та-секин тажрибаси орди. Ма-
шинанинг овозидан «касални»
қарда эканлигини билдирган
бўлди. Кейинчилик уни ме-
ханизатор қилиб қўйишди. Энди Сер-
вернинг зиммасига колхоздаги
бутун техникани созлаш вази-
фаси юклатилган эди. У ўзоқ
йил бу ишда самарали ишляди.

Бундан ўн йил илгари далада
ишлашга қарор қилди. Шун-
дан кейин уни звено бошлиғи
қилиб тайинлашди.

Ўтган йили Сервер бошлиқ
звено пахтакорлари улкан мар-
раи эгаллашди. Ҳар гектар
ердан 35 центнердан ошириб
ҳосил кўтарилди. Звено бошли-
қининг ўзи 260 тоннага яқин
пахта терди.

Сервер бошлиқ звено бу йил
45 гектар пахта майдонидида
юқори ҳосил етиштиришга
эришди. Йиғим-теримнинг шу
қизгин дамида районда би-
ринчи бўлиб бажаради. Звено
бошлиқининг ўзи машина те-

ригида биринчилардан қўлдан
бермай келипти.

Колхозда Сервер Ўсеинов
издан бораётган механизатор-
лар қўлайиб бормоқда. Элбой
Очилов, Исмомил Муртазоев,
Михаил Галин, Мардон Орипов
каби «зангори кема» капитан-
лари мавсумда 150—200 тон-
надан пахта теришга аҳд қи-
лишган. Улар гайрат-шижоат
туфайли колхозда ҳар кун
4,5—5 процент миқдорда
пахта тайёрланмоқда.

Бўка районидида «Октябрь»
40 йиллик колхоз зарпу-
нослари бу йил зиммаларига
улкан мажбурият олганлар;
ҳосилдорларнинг гектарига сал-
кам 10 центнерга оширишга
бел боғланган Давлатга 2805
тонна ўрнига 3,500 тонна пах-
та топирилади.

Колхозда терим пешқадам-
лари кўп. Иллик планини оши-
риб адо этган Ҳабил Аслонов,
зафар маррасига яқинлашаёт-
ган Саиджаббор Сулаймонов,
Гелди Ҳидоятбоев бошлиқ бри-
гадалар терим ишларини ай-
ниқса қизитмоқдалар.

— Бу йилги меҳнат зафа-
римиз СССРнинг олтин тўйи-
га совғамиз бўлади, — дейди
Ўсеинов фахр билан.

Н. ТУРАЕВ.

ОБЛАСТИМИЗ ЛУБКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

КПСС XXIV съезди тарихий
қарорларини турмушта татбиқ
қилиб, СССРнинг 50 йиллик
шарафига бошланғич социали-
стик мусобақада фаол қатнаша-
ётган областимизнинг лубкор-
лари шу йил 26 сентябрда ка-
нон тайёрлаш йиллик планини
муваффақиятли бажардилар.

Лубкорлар ишни мусобақа асо-
сида ташкил қилганликлари са-
бабли туғқизинчи беш йиллик
нинг иккинчи йили бўйича дав-
латта қаноп поиси сотиш пла-
нини жуда қисқа муддатда, 38
кун ичида адо этилди. Луб
заводларининг тайёрлов пункт-
лари тошкентликлардан 305
минг тонна қаноп поиси қабул
қилиб олдилар. Ҳар гектар
ердан область бўйича ўртача
олинган ҳосил 145 центнерга
етди. Топирилган ҳосилнинг
93 проценти биринчи сорт-
ларга қабул қилинди.

Қаноп етиштириш ва ҳоси-
лини оширишда областнинг
жуда кўп ҳўжалик деҳқонла-
ри самарали меҳнат қилдилар.

Шу сабабли ҳар гектар ердан
етиштирилган қаноп поиси мўл
бўлди. Бўстонлик районидида
Жданов номи колхоз юксак
курсаткича эришди. Юқори
Чирчиқ районидида «Политот-
дел», Свердлов номи, «Ленин-
ский путь», «Правда», Янгийул
районидида Карл Маркс номи,
Ўрта Чирчиқ районидида Оху-
нов номи, «Северный ма-
як», «Полярная звезда» колхоз-
лари, Оқдўғон районидида
Карл Маркс номи, Войтеинов
номи, колхозлар ҳам юксак
курсаткичларга эришдилар.

Област ҳўжаликларида дав-
латта қаноп поиси топириш
қизгин давом этмоқда.



Суратда: С. Ўсеинов.

400.000 тонна учун

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШ, МАШИНАДА ТЕРИШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 29 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЎЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун бир кунда тайёр- ланган пахта, учинчи стун мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан бир кунда машинада терилгани, бе- тинчи стун — мавсум бошидан бери.				
Пискент	3,91	43,20	4,57	41,57
Ўрта Чирчиқ	3,61	42,00	4,34	46,17
Бўка	3,69	35,99	3,75	31,02
Бекобод	3,27	34,54	3,90	30,75
Юқори Чирчиқ	4,64	28,64	6,07	31,78
Оқдўғон	3,78	28,13	4,64	28,62
Янгийул	2,83	26,81	2,72	22,48
Область бўйича	3,56	33,47	4,20	32,99

ҒАЙРАТ, МАҲОРАТИМИЗНИ ПАХТА



Янгийўл районидagi «Интернационал» колхозидa пахта йиғим-теримида техникадан самарали фойдаланилгaни. Терилган пахталар пешма-пеш пунктга жўнатилиб турибди. Фотохобиримиз А. Абалев колхознинг Шўкур Аширбоев бошлиқ бригадасидa машина билан пахта ортиш пайтини суратга олиб қайтган.

ДЕҲҚОНЛАР МАДАДКОРИМИЗ

«Узельхозтехника» Оржоникиде район бирлашмасининг ишчи-хизматчиларидан 40 дан ортиқ киши дам олиш кунлари «Қизил Ўзбекистон» колхозига чиқиб, Қомил Гулмирзаев бошлиқ богдорчилик бригадасига олма теришда кўмаклашдилар.

Ҳашарчилар ғайрат қўрсатиб ишлаб, беш тоннага яқин олма териб берди. р. Мева теришда бирлашманинг бош бухгалтери Надежда Хачатурян, савдо бўйича катта бухгалтер Наташа Шабардина ҳамда Мирзаарим Мирзаахмедов, Акбар Аюмов, Жўра Эргашев каби шоёрлар айниқса яхши ишладилар. Уларнинг ҳар бири 250 килограмдан ошириб олма теришди.

Шунингдек ўтган дам олиш кунин «Ботаника» санаторияси коллективидан 55 киши, «Правда» колхозини деҳқонларига кўмаклашиш учун далага чиқдилар, сабавот ҳосилини йиғиб олишда қатнашдилар. 8-механизациялашган кўча колонна қурилиш ташкилотининг бир гуруҳи ишчи-хизматчилари ҳам шу колхозда меҳнат қилишди.

Улар 1-бригада далаларида ишладилар. План бўлимининг бошлиғи В. Белькина, техника хайвоноти инженери Н. Платонов, ПТО бошлиғининг ўринбосари Н. Раимова, оғир мудир Х. Г. Ким ва бошқалар намунали ишладилар. Бу ердан колхозчилар беҳад миннатдор.

Н. АБДУРАСУЛОВ,
В. КОМИЛОВ.

МАШИНАЛАР ҲАЙҚИРИҒИ

Сентябрнинг сўнги ўн кунлиги бошида кутилмаганда ҳаво айниб, ҳарорат пессиди. Аммо пахтазорда меҳнат ҳарорати тобора кўтарилмоқда. Деҳқон ўз мангали терин билан етиштирган «оқ олтин»ни эртароқ давлатга топшириш учун ғайрат каларини боғлаган. Улар «бутун куч—пахта теримига!», «Машина терими—шў унуми!» деган шор остида ишқот кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Биз Ўрта Чирчиқ районидagi «Партия XXII съезди» колхозидa бўлдик.

— Биз пахта теримига олдиндан пахта тайёргарлик қўрган эдик. Дефоляция сифатли ўтказилди. Пайкаллар машина теримига кўнгиладигдек ҳозирланди. Шунинг учун ҳам ҳар кунини планин тўрт-беш фойз бажаришга эришялмиш. — дейди партком секретари Ш. Мадиев. — Эрта-индин бую кўрсаткичин беш-олти процентга чиқармоқчимиз. Чунки ҳосил мўл, пахта чаман-чаман очилган. Теримчи ва механизаторларимиз суръатин кундан-кунга кучайтирмоқдалар.

— Ҳа, азаматларга ишонса бўлади. Эрта-индин колхоз бўйича беш-олти процентдан пахта топшириш ниятидамик, —қўшиб қўйдим, колхоз раиси Убайдулла Абдуллаев.

Дарҳақиқат, азаматларга ишонса бўлади. Колхознинг қайси бригадасига борманг, терим суръати баланд. Худди Сомон йўли юлдуздай потраб очилган пахтазорларда «зангори кема»ларнинг ҳайқирғи тинмайди. С. Йўлдошев, И. С. Ким, И. Ниёзов бригадалари бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар. Айниқса, С. Йўлдошев бошлиқ 4-бригада жонқурлари кейинги пайтларда терим суръатини кучайтириб, кунига 8—9 процентдан пахта топширишга муваффақ бўлмоқда. Бунда Оққўрғон районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозини механизаторларининг ташаббусига қўшилган моҳир «зангори кема» капитанларининг ҳиссаси катта. Бригада механик-ҳайдовчиси Малик Аҳмедов «Ўзбекистон» маркали терим машинасидан ҳар кунини хирмонга 10—11 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкмоқда. Шу бригада аъзоси коммунист Абдулла Гомпов эса «ХТ» терим машинасида 4—5 тоннадан пахта термоқда.

5-бригаданинг «кема капитани» Эргаш Қўзибоев «Ўзбекистон» маркали пахта терим машинасида кунига 9—10 тоннадан пахта термоқда.

— Колхозимиз гектар бошига 35 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган. Планин юз процент биринчи сорт пахта билан бажариш ниятидамик. Сиз қўрган бригадалар ҳар йили 120—128 процентгача биринчи сортда пахта беришди. Ҳозирда улар мавсум бошидан буюн пахта планини 60—65 процентдан ошириб қўйдилар. С. Йўлдошев бошлиқ бригада гектар бошига 40 центнер, И. С. Ким бригадаси гектар бошига 37 центнердан ҳосил кўтариб мажбуриятини олган. Улар мажбуриятини ҳам 1-сортини «оқ олтин» топшириш билан адо этмоқчи.

Яна нигомимизни мур дегишдан тайёргарлик қўрган пахтазорларда, Гўё ҳар тўлгуздан оппоқ олтин фаввораси отилаётгандек. Бу манзарани кўриб, кўз қуванди. Теримчи ва терим машинаси ҳайдовчиларига тасанно айтинг келадик. Азамат пахтакорларининг

ИККИ ЮЗ ПРОЦЕНТЧИЛАР

Бўстонлиқ районидagi Жданов номи колхоз деҳқонлари ибратли ташаббус билан чиқдилар. Колхознинг сабавотчилик бригадалари ўзaro мусобақалашиб, давлатга сабавот сотиш бўйича йиллик планларини камда 200 процент қилиб бажаришга аҳд қилдилар.

Абдулло Мавлонов, Сарибой Иброев, Исроил Убайдуллаев, Қорил Файзибеков бош-

ДАЛА МЕҲРИ

Ғазо бағридек кенг, поёсиз пахтазор. Ёзу-кўз сен томон талпинмади. Оламга муаттар ҳил уфрувди баҳорнинг дилрабо тоғларини олтин ёнгиш жазирама кунларида бағринига шомалди. Кўшини доғда қолдириб субҳидамда гўза оралаган захматкам деҳқонлар, тўнин ойини фонуи қилиб, ҳар эгатга оби-ҳаёт таратган отахон сувишлар, машина рудини бошқарган йиғит-қизлар... Қайсинини удуғлашга, қайсинини куйлашга шошилиб қолам.

Ана шуларни кўриш, ишқиди Маматқул ака Фармонкулов етакчилик қилётган бригада даласига йўл оламди. Эгатлар оша япроқлар тағиндан ибодил боққан лўпин пахтаюларини, яшил кендикларини, оппоқ дурдона уюмини кўриб, завқидан энтикиб нафас оламди.

— Гектаридан 38 центнердан ҳосил оламиз, — дейди бригада.

Бу гап замиридаги ҳақиқатини бригаданинг гўё оқ чойшабга ўралган олтинга кен далаларию, қалбида ўт чанган йиғит-қизларининг ғайратиди қўрамади. Мавсумда 200 тонна пахтани ўз агрегати бункеридан тўкишга ваъда қилган азамат механизатор коммунист Маириқул Қодировни, 10 минг килограм пахтани кўлда теришга аҳд қилган, «Меҳнат» да ўрнак кўрсатганлиги учун медали соҳибаси Қондигой Нормуродовани колхозчилар «пахтазор юлдузи» дейишди. Маириқул «пўлат оти» бункеридан кунига 7—8 тоннадан дурдона тўкса, Қондигой чепар кўллари билан 200—250 килограмдан пахта терпти.

Бу ерда уларнинг издошлари

— ЛАВҲА

беҳисоб. Механик-ҳайдовчи Лафас Бобонов, кўпининг килограмми теримчилар Ултув Ғайбуллаева, Гулсара Қодирова, Ойзод Назарова, Иззатой Ғайбуллаевалар ҳам ана шу машаллардан қилишмаёттирлар. Бригадада кунлик ўсиш 5,5—6,5 процентдан ошмоқда.

Далаларини айланаман. Ҳар бир чакмадаги лўпин пахталарини завқидан кўзатаман. Авайлаб қўлимга оламан, гўё кафтимда кўёш заррасини кўтариб тургандек ғурурланаман.

Бешқатер белинга ётак боғлаб, эгатларга шўнгишман. Чаноклардаги марварид маржонлар кучоқ очиб кулиб турибди. Бир дамда

тўлган эгатишга боқаман. Оппоқ олтин! Унинг шўласи юзимга, наиники юзимга, қалбимга уради. Кўнглим равшан, тортиб, навбатдаги эгатиш белинга боғлашман.

Кўз шабадаси эсади. Пахтазорда «зангори кема»лар оҳиста сузади, рулда ўтирган девқомат йиғит атрофга қўвонч билан боқди. У — бригаданинг суяган тоғи Маириқул Қодиров.

— Бугун қанча бўлади? — сўрадик.

— Камиди 7 тонна.

— Кеча қанча эди?

— 6 тонна.

Торози бошида сифат инспектори Эшназар Абдураҳимовнинг қўли-қўлига теғмайди.

— Гулсара, сеники 150 килограмм.

— Ултув, 149,5 килограмм.

Қизлар, навбат устозлари Қондигойга келганда чапак чалиб

юборишди. Унинг кунлик терган пахтаси 256 килограмм эди.

— Ҳозиргача жами қанча тердингиз, Қондигой?

— 4700 килограмм, — дейди у.

Машаллар... Пахтазор юлдузлари шуларда! Улар қалбида пахта ишқи сўнмас алағга бўлиб ёнади. «Зангори кема»лар овози, қўшин пайкалларда завқшавқ билан пахта тераётган йиғит-қизларининг шўх кўнглиари ҳаёлимни олади. Яна сеҳрли пахтазорни кезгим келадик. Дилда бир олам қўвонч, меҳр билан одим таштайман.

САИДЖОН МУСТАФОЕВ.

Оққўрғон районидagi Ҳамид Олимжон номи колхоз.

ҲАР МИСҚОЛИ АЗИЗ

Пахта йиғим-терими авяига чиқиб бормоқда. Механизаторлар теримчилар, шоёрлар, тракторчилар, хирмонда ишловчилар, ошпазлар, богча-ясида ишловчи тарбиячилар, худлас, пахта йиғим-теримига қатнашган барча кишиларнинг қўллари-қўллариға теғмайди. Ҳамма ҳаракатда, баракали меҳнат қилиб, пешона тери тўкиб етиштирилган ҳосилни тез ва соз териб олишга ошқоқди.

Бу одамлар жон куйдириб меҳнат қилишлари, оширишлари, жадалроқ ҳаракат қилишга интилаётганликлари беиза эмас. Чунки, бу йил пахтакорлар учун об-ҳаво нуқулғи келди, ҳатто май ойида ёмғир, дўл ёғди, сел келди. Шунга қарамай азамат, фидокор деҳқонларимиз ҳалол меҳнат қилиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Деҳқонларнинг мураввати, юрак қўри билан етиштирилган «оқ олтин» чаман-чаман очилди, қўзларни қамаштирипти. Уни сира нобуд қилмай териб олиш барчаннинг шарафли бурчидир.

Бироқ, айрим ерлардаги аҳвол қимматбаҳо дурдонамизни нобуд бўлишига йўл қўйлаётганини кўрсатади. Пахта нобудгарчилигига қарши кураш етарли даражада эмаслиги яққол кўриниб турипти. Афтидан айрим хўжалик раҳбарларини, пункт ходимларини пахта териш, топшириш, қабул қилиш билан банд бўлиб, йўлларга тўкилиб

нобуд бўлаётган пахтакорларни назар-назар қилимаётганга ўхшайдилар.


Бу — қуруқ даъво эмас. Бекобод районидagi 1- ва 2-«Давлар» совхозларидан чиқиб, Тошкентга томон йўл олдинг. Икки совхознинг район марказига томон борадиган йўлларида ўтинг. Қанча-қанча пахтакорлар йўл бўйларига тўкилиб, дарахтларга илашиб ёганини кўрасиз. Бундай аҳволни фақат Бекобод районидagi йўлларда эмас Бўна, Пискент, Ўрта Чирчиқ район йўлларида ҳам кўриш мумкин.

«Кўкоро» ва «Бўна» совхозини ўртасидagi пунктга келадиган йўл бўйларига талай пахта

талар тупроққа қоришиб ётипти. Ҳамма номи колхозга жойлашган пахта пушти атрофда, Пискент районидagi 1-Пискент совхозига жойлашган «Оқтепа» пахта пушти атрофдаги йўлларда ҳам юқоридаги наби аҳволни кўриш мумкин.

Пахта — ўзбек халқининг фахри, ифтихори, миллий ғурури. Пахта — бизнинг бойлигимиз. Уни нобуд қилмадик, бир дона чигит, бир тола пахта ерда қолмасин. Пахта нобудгарчилигига йўл қўймадик, уни эъзозлайлик.

Б. ХАЛИЛОВ,
ҳақиқатининг мухбири.



ЎРИН ОЛАЙ ҚАТОРДАН

Ҳар чанокда кўринадиган бир хирмон, Бараканган ўғулзайини, пахтажон. Пахтакорлар мўъжизаси ҳар тўпинг, Ҳар бир шокинг жаҳоҳирга бўлди қон. Тоза териб, сени чинай хумордан Улуг тўйда ўрин олай қатордан. Кўп терганлар яна кўпроқ терай дер, Оз терганлар ўз-ўзидан фариб ер. Сени термоқ шарафларининг шарафи Терабарил, хирмонларга тўлабер. Тоза териб сени чинай хумордан, Улуг тўйда ўрин олай қатордан. Янаолинда элик кузининг чиройи, Сени мақтан, мақтан бўлур киройи. Сенинг билан дунё — дунё ил битар, Шунинг учун бўлдим сенига шайдоин.

Сени териб, тоза чинай хумордан, Улуг тўйда ўрин олай қатордан. Ҳар мисқолинг олтиндан ҳам салмоқдор, Ҳар толанди турли-турдан хислат бор. Қовоқ солма, жамолиндан ўғулдай, Элик кулиб боқинишга интизор. Сени териб тоза чинай хумордан, Улуг тўйда ўрин олай қатордан. Ҳеч қолдирмай йиғиб олай пахтажон, Мен ҳам қилай олам-олам армуғон, Эпит, Чустий, план тўлур, албатта, Ёзабергил гагал, кўшқиб беармон. Сени териб, тоза чинай хумордан, Улуг тўйда ўрин олай қатордан.


ЧУСТИЙ.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

«Ленинизм» колхозини чорвадорлари Оққўрғон районидagi биринчи бўлиб йиллик сўт топшириш планини ошириб адо этдилар. Давлатга пландаги 80 тонна ўринга 91 тонна серқаймоқ сўт топширилди.

Колхоз чорвадорлари ҳозирги кунда зиммаларига оширилган мажбурият олдилар. Йил охиригача яна давлатга 30 тонна маҳсулот топширишга қарор қилинди. Мусобақада Сафаргул Есенова, Тошқиз Зонрова каби моҳир сўт соғувчилар пешадамлик қилмоқдалар.

Б. ЙЎЛДОШЕВ.



Оққўрғон районидagi «Озод» колхозини аъзолари механик-ҳайдовчиларини ҳурмат билан тилга олиб, шунқорларимиз, дейишади. Ана шу шунқорлардан бири ушбу суратдаги Бакир Алихондовдир.

А. АБАЛҲАН фотоси.

МАЙДОНИДА КЎРСАТАЙЛИК!

РЕПОРТАЖ

ЯНАШ ПОЛВОН

Ўрта Чирчиқ районидagi Терешкова номидаги колхознинг дошдор механикатори Янаш Тўйчиев ўзининг «Ўзбекистон» агрегати билан 130 тоннадан ошқ «оқ олтин» терди. У бошқаратган авено 34 гектар

майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта теришга азам қарор қилган. Звено йиллик пахта териш пиланини тўлдирганлиги ҳақида бугун галаба рапорти беради.



Суратда: Я. Тўйчиев.

А. АБАЛИН фотоси.

Бу кунлар қизғин кунлар пахтазор майдонида, Тоғдай хирмон уюлади ҳар соатнинг оғиди, Гайрату шижоат авжи пахтакор жавлониди, Уч-тўрт процент кўринган маълумот-эълонида, Сур «от»нинг Янашвой, Ўрта Чирчиқ райониди.

Олтин тўйга «олтин» совға ҳади этар эмишсан, Шу ниятда ҳар кун тонгда ишга кетар эмишсан, Бугун марра-оразунингга, албат, етар эмишсан, Хурсандликдан машинингга ўлан айттар эмишсан, Балли сенга, Янашвой, буюк мақсад майдонда.

«Ўзбекистон» тулпорингга кўп эрларини шоширдиги, Уяётган тонналаринг юз ўттиздан оширдиги, Қалбнинг ҳарорати ила чанокларини очтирдиги, Дуру гавҳар булогини тоширгандан тоширдиги, Ёни йигитнинг кучи бордир Яхшиовул полвониди.

Ҳалол меҳнат мард йигитга ҳамроҳу ҳеш, дейдилар, Пахтакорга хос фазилат-буюк бардош, дейдилар, Берган ваъда—центнерларинг, роса қириб, дейдилар, Ўлу мақсад ва иттилий—қонуқардош, дейдилар, Бу хислатлар сенда бордир, Тўйчи ота ўғлониди.

Яхши ишлаб донг таратдиги Терешкова колхозиди, Буюк номинг дoston эрур ҳар оғизда, эл сўзиди, Фарҳод деса Фарҳодирсан ўт чақнаган кўзиди, Мўл-қўл ҳосил етиштирдиги Қирғизовул бўзиди, Кўрсат ўзининг девим, «оқ олтин»лар қониди.

Ҳар борганда марзага бир бункерини тўлдирасан, Бир кун ишлаб тоннадан ўн бешини дўлдирасан, Ҳалол меҳнат туғайли бахт қушини қўлдирасан, Зафар кўчиб сен бутун беш ўғлингни қўлдирасан, Шунда улар севинач адаси—меҳрибониди.

Сафдош эрур Саид-у, Турсун, Хусан, Собиржонлар, Улар кун ўзинг каби олтинпаз зур деҳқонлар, Мард майдонда синалади—сизсиз марду майдонлар, Измингидан бўстон бўлар, тўқай чўл, биёбонлар Зафар туғин қадасиз сентябринг поёнида.

Мусобақа пойғасида сизга яқин бўлсин, «Зангори кема»лар ҳозир юкингизга нор бўлсин, «Мажбурят бажарилар!»— бу сўзлар шар бўлсин, «Пўлат от» минган суворий элга мададор бўлсин, Сизни қўтлар барча шунда газалу, достониди.

... Бу кунлар қизғин кунлар пахтазор майдонида, Тоғдай хирмон уюлади ҳар соатнинг оғиди, Гайрату шижоат авжи пахтакор жавлониди, Бор марралар марра эмас, парвозлар уммониди, Ўлан бўлсин ҳиссангиз буюк эл хирмониди!..

РАҲИМБЕРДИ УМАРОВ.

НАВБАТ—МАЖБУРИЯТГА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ишқиринидаги пахтакор республикаларинг бўлиб ўтган партия-ҳўжалик ақтини йилгили қарори биз пахтакорларини йиги марраларга руҳлантирмоқда.

Бригадининг қарашли 70 гектар пахта майдонининг ҳаммаси қир-адирлардан ташкил тоған. Бу ерда мўл пахта етиштириш деҳқонларининг тажрибасига, механизаторларининг маҳоратига боғлиқ. Улар йил бошида ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб ҳосил кўтаришни мўлжаллаган эдилар. Дала ишлари ана шу мажбуриятга яраша олиб борилади. Мана етиштирилган ҳосилни тезроқ териб олиш вазифаси турбди. Деҳқонларимиз бу ишнинг ҳам муваффақиятли амалга оширишмоқдалар. Улар терининг дастлабки кўнлариданоқ

ишни кучайтирдилар. 8 иш кунда зиммадаги пахта ошириб бажарилди. Ҳар гектар ердан 18 центнердан ошириб пахта олинди.

Ҳали даладаринида ҳосил мўл. Эндиликта биринчи терини тугаллади. Мажбурят ҳисобига пахта топирилмоқда. Ҳосилни тез йиғиб-териб олишда меҳнат намуналарининг кўрсатган механизаторларининг бор. Тоир Турсунматов, Абдуназар Насруллаев, Назира Ҳайдаровалар терим агрегатларини унумли ишлатмоқдалар.

Биз пайкаллардаги ҳосилни чамалаб кўриб, ҳар гектар ердан 22 центнердан пахта йиғиб олишга қарор қилдик. Умумий ҳосилдорлик эса 40 центнерга етказилди.

Р. АБДУРАҲМОНОВ, Пискент районидagi Телман номидаги колхознинг бригада бошлиғи.

ҚУДРАТИМИЗ, ТАЯНЧИМИЗ

Пахтакорларнинг муҳим вазифаси ҳосилдорлигини ошириш, пахтачиларни тўла механизациялашдан иборат. Бу соҳада пахтакорларимиз маълум ютуқларини қўлга киритмоқдалар.

Масалан, илгари бизнинг колхозда ҳосилдорлик гектаридан 20 центнердан ошмас эди. Кейинчи йилларда колхозчиларимиз ҳосилдорлигини ошириш учун тинмай курашдилар. Маважуд пахта майдонларидан самарали фойдаланиш учун ҳаракат қилдилар. Деҳқончилик маданиятини ошириб, ер, сувдан, айниқса техникадан самаралироқ фойдаланмоқдалар. Бундан ташқари, 60х20 схемасида чигит экилган жойлардан юқори ҳосил олинди. Шунинг учун колхозимизда илгари план бўйича гектаридан 22 центнердан ҳосил олинган бўлса, энди 24 центнердан пахта олиш планлаштирилган. Аслида гектаридан олинган ҳосил колхоз бўйича 30 центнердан ошиб бормоқда. Бу йил колхозчиларимиз 35 центнер ҳосил етиштирмиш, деб бел боғлаганлар.

Бизнинг звенода 48 гектар пахта майдони бор. Ўтган йили гектаридан териб олган пахта

миз 38 центнерданга тўғри келди. Ана шу ҳосилнинг 90 проценти «зангори кема»лар билан териб олинди.

Бизнинг юбилей йилидаги ниятларимиз бултургидан ҳам зўр. Аввало, звеномиз аъзолари 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилиб, ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун сўз берганлар. Йиллик пилани 15 иш кунда бажариш, 95 процент ҳосилни «зангори кема»лар билан териб олиш учун аҳд қилганмиш.

«Зангори кема»лар билан кунга 7—7,5 процент пахта терилти. Звеномиз 50 центнерчи Юсуфов бошлиқ звено билан мусобақадон. Улар бу йил 61 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиб, 95 процентдан кўпроқ пахтани машина билан териб олиш учун ҳаракат қилмоқда.

Звеномиз аъзолари улардан кейин қолмаслиг учун астойдил иттилоқмоқдалар.

Омон МУРОДОВ, Оққўрғон районидagi Ҳамид Олижон номидаги колхоз звено бошлиғи.



Бўна районидagi Тимирязев номидаги колхознинг механик-ҳайдовчиси Хайдар Ўрмонов кунга 8—10 тоннадан пахта терилти.

Шу колхознинг 6 бригадасида чевар теримчи Мухаррам Раҳмонов ҳар кун 140—150 килограммдан пахта териб хирмонга тўкмоқда.

Колхоз далаида терилган пахталар пункта қон-қанорсиз пешна-пеш жуғатилмоқда.

Ж. ТҲРАЕВ фотолари.

ПҮЛАТ ҚУЛЛАР

Терим бошланганига ҳафта, ўн кун ҳам ўтмай, областнинг бошқа районларидан «машиналар ишга тушди», Ўрта Чирчиқ райони пиланидан, бир кунда уч процентдан пахта топирилди», сингари хўшхабарлар эшитилди. Бошланди. Бироқ, Юқори Чирчиқ райони пахта тайёрлаш маълумотида энг охири йилида эди. Бу аҳвол ҳаммани ташвишга солар, айниқса, механик-ҳайдовчилар «зангори кема»ларини пайкал бошига чиқариб қўйишган-у, етатга қирмай хўшб эдилар. Нега деганда ҳали яна икки-уч кунгина вақт зарурлигини билишарди. Кунига очилган кўсақларини бир-бир кўздан кечиришарди.

Худди ўша кунлар «Правда» колхознинг далаида бўлганди. Колхоз раисининг ўринбосари ўртоқ Утамалиев ҳижолатлик билан:

— Ҳали теримга тўлиқ ки-

рилганимизча йўқ, гапининг очиги пахта машина теримига етилганича йўқ, тўрт-беш кун муҳлат, машиналар ишга тушди дегунча суръатини кескин ошириб юборамиз», деганди.

Далаларини айланамиз. Ҳосил-яхши. Очилган ҳам ёмон эмас. Бешинчи бригадига етганда Утамалиев:

— Қозоқбой Тошбоевнинг звеносига ўтайлик. — деди ахлит пайкаллар. Эгат бошида қўзғалар ўриб, бир четта тахлаб қўйилган. Чаноклардаги лўпни, очилган пахтага хавас билан қарайсан юнчи.

Аммо, бир туп гўзанда очилган кўсақдан очилмагани кўп роқ. Шунинг учундир звено

бошлиғи, механизатор Қозоқбой.

— Илгириманчи сентябрь кун бошларимиз ака, яна икки кун муҳлат берасиз. Икки кунда мана бу кўсақ ҳам очилди», деди. У тугган кўсақига меҳр тўла кўз билан боқди. Чехрасидан ҳар бир кўсақ унинг учун нақадар азиятини, сезилиб турарди.

— Наҳора, бошқалардан хир-ет кечикдик. Лекин рулга ўтигач отни шундай қамчилаш керакки, уларга етиб, ўзиб кетайлик!»— деди раис ўричбосари.

— Хотиржам бўлинг, гарчи бу йил икки қаторли машина бўлса ҳам бир кунда 6 тонна терарман деган умиддаман.

Қозоқбой кўп йиллик тажрибасига суяниб айтатганди бу гапларини. Ахир у ўн йилдан буюн механизатор. Шулар моёбайида бирон йил ҳам бўлмадики у пиланини бажармаган бўлсин.

Звено 123 гектарлик пахта майдонидан муттасил юқори ҳосил кўтариб келди. Ўтган йили 40 центнерлик ҳосилнинг 90 проценти машинада терилди. Қозоқбойнинг ўзи машина билан 134 тонна пахта терди. Бир кунда 12 тонна лаб терганди. Звено аъзоларининг бу йилги—олтин тўй — Совет Иттифоқимиз ташкил тоған юбилей йилидаги режаларини ундан ҳам баян эди. Гектаридан 45 центнер ҳо-

сил кўтариш, пилани бўлса энг қисқа муддатда тугаллаш ниятида эдилар улар.

Бригада далаидан қайтаётганда Утамалиев:

— Азамат йигитлар, у теримга тушди, дегунча телефонда хабар қиламиз, — деганди.

Кўни неча «Правда» колхозининг бешинчи бригадаси бошлиғи Тен Пой билан телефонда гаплашдик. Бригадир ҳам ошнлар, ҳам хурсанд эди. «Қозоқбой Тошбоев бир кунда 8 тоннадан пахта терилти, 70 тоннага етказиб қўйди. Унинг билан йилма-йил пахта тераётган Владимир Чжен ҳам бўш келмапти, у ҳам кунга 7—8

процентдан терапия», деган хўш хабарни айтди.

Дарҳақиқат, областимизда пахта тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумотта бир назар ташланг, энг охирида турган Юқори Чирчиқ райони бирланга икки райондан ўзиб кетди. Бир кунда 4 процентдан ошириб пахта тайёрлапти.

Демак қудратли машиналар иш бошланди, иш юришиб кетди. «Правда» колхозининг ўзига 34 та машинадан 29 та си жавабон урмоқда.

Газета саҳифаларида бу маълумат хўжалиқнинг азамат механизаторларини номини ўқийсиз. Ана шу пўлат қўллар яратмоқда улкан хирмонини. Қозоқбой «кунга 6 тонна терарман» деганди. Йўқ, ундан оширилти, 8 тоннага етказилти. Шаҳадм ташлаган олдимиз тезлашаврсин аниз пахтакорлар.

Ф. УСМОНОВА.

ДОНДОР КОЛХОЗ РАПОРТИ

ЮНУСОВ. (Махсус мухбиримиз хабар қилди). Қалинги районидagi дондор «Ўзбекистон ССР 40 йилнинг» колхоз аъзолари давлатга йиллик сабавот, қартошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан олган пилаларини шараф билан бажардилар. Пиланди 4250 тонна ўрнига 5550 тонна маҳсулот топирилди. Шу жумладан 1080 тонна қартошка, 2270 тонна сабавот, 405 тонна узум, 200 тонна мева сотилди.

СССРнинг 50 йиллик тўйи шарафига бошланган социалистик мусобақада Қўлаҳмад Нейматов, Мусили Юсупов, Гания Мансуров, Соир Ёлмонов, Саид Исаев ўртоқлар раҳбарлик қилётган бригадалар айниқса катта натижаларга эришдилар. Улар ўз зиммаларидаги пиланингга эмас, мажбуриятларининг ҳам муваффақиятли адо этаётдилар.

Қартошка ва сабавотдан мўл ҳосил олишда Н. Ҳасанов, Н. Махмудов, С. Самитов, Э. Эргашев, Т. Мансуров, Қ. Соатов бошлиқ звеноларда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар 22—24 тоннадан қартошка, пиле, дошнинг, 35 тоннадан зиед помидор йиғиб олдилар.

Колхозчилар шу кунларда мажбурият ҳисобига маҳсулот топиришнинг қизғин давом эттирмоқдалар. Улар планга қўшнча равишда 500 тонна қартошка, 1000 тонна сабавот, 250 тонна узум сотишга қарор қилганлар.

Бу хўжалик чорвачилигини риояқилиштиришда ва маҳсулдорлигини оширишда областимизнинг пешнадам хўжалиги ҳисобланади. Чорвадорлар унумли меҳнат қилиб, 15 сентябрга қадар давлатга мўлжаллаган 655 тонна ўрнига 657 тонна сут етказиб бердилар. 250 бон сингирини ҳар бирдан 3160 килограммдан сут соғиб олинди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Минаввар Исоқова ва унинг издошлари Қ. Файзиёва, Х. Орипова, И. Аҳмедова, Н. Ёдгорова ўртоқлар ўз боқимларидagi сингилардан қўлаб сут соғиб олишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Колхоз чорвадорлари бу йил юбилей шарафига ҳар бир сингирдан 4 минг килограммдан сут соғиб олиш, яъни сут маҳсулотини минг тоннага етказишга аҳд қилганлар ва шу йўлда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Дондор колхоз аъзолари йиллик пилаларини муваффақиятли бажарганликлари ҳақида рапорт берган бўлсалар, ҳам, ҳали далаларда, фермаларда, боғларда иш қизғин. Ҳамма етиштирилган барча ҳосилни тезроқ ва сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳаракатида.

ЭРТАГА
ЎҚИТУВЧИЛАР
КУНИ

З И Ё Б А Х Ш Қ А Л Б

Ҳасан ана машғулотга қанча пухта тайёргарлик кўрган бўлса ҳам дарс беришда анча қийнади. Унинг назарига бугунги дарс зерикарлик ўтганда туюлди. Қийинда билим бўлгани билан тажриба, педагогик маҳорат етишмаси қийин экан...

Қўнғироқ чалинди. Дарсдан чиқиб ўқитувчилар хонасига кириб борганда Тўйчи Аълоев уни қарши олди. Ёш ўқитувчи бор гапини устозидан яширмади.

— Ҳечқиси йўқ, ука, — деди у оҳиста. — Баян шунча бўлди. Аммо, моҳир ўқитувчи бўлиб етишганига ишончим комил. Бунинг учун ўқини, ўрган. Ўз устизига мустақил ишла. Шундангина маҳоратинг ортади. Ердан керак бўлса, мана биз турибмиз...

Моҳир педагогнинг бу гапларини Ҳасан Зунунов худди кечадек эслади. Ўшанда у илк бор синфга кириб, бола-ларга дарс берган, педагогик касбининг машаққати ва масъулиятини чуқур ҳис қилганди. Ўз устиза ишлаган, педагогик маҳоратини тинмай оширишга қатъий киришди. Наримонов номидаги педагогик техникумини тугатган Ҳ. Зунунов ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечин педагогика институтига ўқишга кирди. У устоз педагоглардан дарс бериш «сириларини» ўрганди.

Интилаганга толе ёр деганларидек, Ҳасан Зунунов зўр иштиёқ билан ишлаб, илгор ўқитувчининга эмас, балки таж-

рибали методист сифатида ҳам таинди. Маштабларда раҳбарлик лавозимларида ишлади. У ёш ўқитувчиларга ўқув программа материаллари, дарсликлар билан ишлаганини метод ва усулларини ўргатди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ва ундан кейинги даврда ҳам маштабларда адабиёт ўқитиш методини ҳали пухта ўрганилмаган эди. Устиза-устам, бу соҳада методик қўлачлар етишмасди. Шунинг учун

ҳам илгор ўқитувчилар қатори моҳир тил-адабиёт ўқитувчиси Ҳ. Зунунов ҳам дарсликлар яратиб ишга ақиндан бош қўшди. У 1940—50 йилларда нашр этилган ўзбек адабиёт тарихига оид бир неча дарслик ва хрестоматик китобларнинг муаллифи сифатида таинди.

«Ўқитувчилар газетаси» ва «Совет мактаби» журналси саҳифаларида адабиёт ўқитишнинг ақтуал масалаларини баён этувчи мақолалар билан

чиқиб турди. Айниқса, унинг Нодира, Увайсий, Гулҳаний, Махмур, Аваз Ўтар, Муқимий, Зафар ва Фураҳат каби шоирлар ҳаёти ва ижодига доир илмий ва методик асарлари ўқитувчилар учун амалий ердан бўлиб хизмат қилди.

Ҳасан ака мана бир неча йилларини, «Совет мактаби» журнали редакциясида педагогика, психология ва бошланғич таълим бўлимининг мудри. Унинг «Мактаб ва оялава ате-

истик тарбия», «Атеистик тарбияда мактаб», «Мактаб ва оила ҳамкорлиги», «Ўқувчилар билан яқнама-яқна ишлаш», махмур педагог, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонини Оқилхон Шарифиддиновнинг ҳаёти ва педагогик маҳоратига доир «Отахон мурабий» деган рисо-лалари босилиб чиқди. Ҳозирги кунда ўқитувчи-методист «Педагогик маҳорат», «Эллик йил илмий педагогик матбуотимиз тарихи» деган асарлар устиза иш олиб бормоқда. Унинг «Қўйилган фаслига муносиб тадбирлар», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган фахрий унвон берилди.

Звено бяхтиёр оиланинг отахони. Педагогнинг катта ўғли Фарҳод геология фанлари кандидати, ҳозир докторлик диссертацияси устиза иш олиб бормоқда. Ўғиллари Даврон Тошкент теледидансининг истеъодли диққоти. Наримон Тошкент Давлат университети Шарқ факультетини тугатди. Қизлари Бўстон—врач, Дилбар педагог, Дилдор эса Тошкент политехника институти-студенткаси.

Қирғи йилдан бери ёш авлод тарбияси билан шуғулланиб келётган педагог 60 ёшга тўлди. Ҳасан аканинг ҳали ният ва режалари катта, қиладиган илмий-методик ишлари кўп. Тажрибали моҳир педагог халқ маорифи равнақиға муносиб ҳиссасини қўшаверади.

А. АЛИЕВ.



Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбоев номидаги колхоз территориясида жойлашган 52-мактаб илгор тажрибалир ўқоғига айланиб қолди. Бу ерда ўз касбининг моҳир усталари бўлган педагоглар ёшларга таълим-тарбия беришмоқда. Суратда: мактаб директори (ўртада) ўртоқ А. Ортиқхўжаев педагоглар билан суҳбат ўтказмоқда.

САНЪАТИМИЗ ЮЛДУЗИ

ЎРНИДА



менинг Гулсарам каби паранжисини гулханга улоқтириб, ичкари деворларнинг қулаб, иккинчи ҳаёт кучоғига отлаб, ҳам, Сорохон у билан бирга бўлиб, ўз санъати, ўткир сўзи билан хотин-қизларимизнинг озодек курашида нешаданлик қилди. Инги ҳаёт миллий маданиятимиз равақи бўлиб, душманлар қўлида қурбон бўлган Турсунай, Нурул, Холхон каби ақолиб ола-сингиларимиз учун қасос олди.

Хурят 30-йилларнинг ўртасида колхозда зверо бошлиғи, кейин эса бригадир бўлиб, пахта ҳосилдорлигини кўтариш, эски сарқитларга, хурофий урф-одатларга қарши чиққанда, фикр ва туйғуларини, меҳнат шижоатини, интилишини, курашини 1936 йилда сахналаштирилган «Номус ва муҳаббат» спектаклида Онахон образида моҳирона акс эттирди. Хурят социализм қурилиши ишида жасорат кўрсатганда, Сорохон ижодий ишларининг давом эттириб, Лауренси, Катерина, Смеральдина, Любав Яковлевна, Офелия каби ўнлаб образлар яратди. Аниқча Хурятнинг ўтмишдаги Жамилла образи Сорохон ижросида ўзининг тақдорларимас тақдирини топиб, нодир сахна образлари қаторинида муносиб ўрин олди.

Хурят Улуғ Ватан уруши йиллари фашистларни она тупроғимиздан ҳайдаш учун фронтга жўнаган урм йўлдош, ака-укалари ўрнига барча аёлларини сингари колхозни бошқарганда, Сорохон ватанпарварлик руҳи билан сўғорилган Оксана («Босқинчиларга, ўлим!») Гулзийи («Муканно»), шунингдек адолатсизлик, зуравонлик ҳужм сурган дунёни қоралаган Лариса («Сенсиз қиз») каби қатор образлар яратди. 1942 йилда Совет Иттифоқи Тинчлигини сақлаш қомитига аъзо қилиб сайланганда бутун кўч-ғайратини тинчликни ҳимоя қилиш учун софбар қилди. Ўша оғир давларда ўзбек халқи гитлерчи

босқинчиларга қарши мардонавор курашган фарзандларига йўлаган хатида Сорохонни тилга олиб, уни «Ўзбек санъатининг дурдонаси» деб атаган. Оташнинг ватанпарвар Сорохон бу баҳога жавобан баракали ижод қилиб, урушдан кейинги йилларда ҳам прогрессив америкалик аёл Ева Грант («Элчи» сахнасида), чех халқининг санъатли қиз Густа Фучик («Мангу ҳаёт»), турк журналисти Хадича, («Туркия» ҳақида ҳикоялар) сингари образларни яратиб, улар орқали тинчлик ғояларини тарғиб қилди, дунёда демократия ва социализм учун олиб борилаётган инқилобий курашлар ҳақида томошабинимизга ҳикоя қилди. Булардан ташқари, чуқур гуманистик фикрлар, ижтимоий ғоялар билан сўғорилган Дездемона, Гули, Жульетта каби ўзбек театри тарихида ёрқин сатҳлардан оғган образлар яратди. Улар олимларимиз китобларида, журнал ва газета тақризларида ҳақли равишда юксак баҳолабди.

Хурят улғайган сари Сорохоннинг сахнадаги қамолоти ижтимоий ҳаётдаги маъно ошабди — фақат етук сахна устаси эмас, йиринк жамоат арбоби сифатида ҳам танилди. Чунки, у 1938-1946 йилларда Ўзбекистон ССР Олий Советига, 1946-1958 йилларда эса уч марта СССР Олий Советининг депутаты қилиб сайланди. Варшава ва Венада ўтказилган тинчликни ҳимоя қилиш Халқаро конгрессида қатнашди. Эндилда Сорохон халқ билан сахнада яратган образлари орқалигина эмас, бевосита у билан урғилиб унинг эҳтиёжларини ҳал қилишга бор эътиборини қаратди.

Коммунистик партия ва ҳукуматимиз Сора Эшонтўраевани моҳир санъаткор сифатида совет театри маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўйганини, ўзбек сахнасида социалистик реализм асосларининг шаклланиши ва қарор то-

пишидаги хизматларини жамоат ишларида фаоллик кўрсатганини юксак қадрлаб, унга 1951 йилда СССР халқ артисти деган фахрий унвон берди. Бешта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Хурмат белгиси» ордени ва кўша-қўша медаллар билан мукофотланди.

Бундан ўн йилча илгари Сорохон яна Хурятнинг ўзи билан бевосита учрашди, унинг сиёсий ва маънавий қадриятини ўшада томошабин Хурят — Эшонтўраева тизмоларида қолдириб раҳбарлик қилаётган қатор ранг аёлларининг жозибали ва ҳаққоний қиёфасини кўриб қувонди. Сорохоннинг ижтимоий маҳоратида қойил қолди Хурятнинг жонли сиймоси. Сорохоннинг тақдирини фақат сахнада эмас, кино экранларида ҳам ўз аксини топди.

Мана, ниҳоят Хурят колхоз раислигини раёкомпартия секретарилигига кўтариб ва Сорохоннинг сеҳрли санъати уни яна сахнада жонлантирди. Бу гоёт жазмандор ва бадий етук образда Хурятларнинггина эмас, Сорохоннинг ҳам ижодий парвозини кўрдик.

Истиғно — бағри кенг, саховатли ва қудратли Ватанимиз чаманида қадрдон дугонанинг, касбдошнинг баракали ижодида кенроқ қанот ёйиб, баралла янграган, янада баландроқ парвоз қилсин!

Ҳалима НОСИРОВА,
СССР халқ артисткаси.

ҚУТЛАЙМИЗ, ТАБРИКЛАЙМИЗ

Қияматли Сорохон Абдурахмонов! Сизни юксак мукофот — Ленин ордени билан тадбирланганини муносибати билан СССР маданият Министрининг, шахсан ўз номидан қилган муқоработ айтган. Сизнинг ўзбек театри сахнасидаги кўп йиллик самарали ижодий меҳнатингиз ҳақли равишда Совет томошабинлари томонидан юксак баҳолабди. Кўп миллатли театр равақи йўлида Сизга янги-янги ижодий муваффақиятлар ва таъин-сизхатлик тилайман.

Екатерина ФУРЦЕВА,
СССР маданият министри.

Маллий театр ижодий коллектив тугилган кунингизга 60 йил тўлиши билан мукофот — Ленин орденига сазовор бўлишингиз муносибати билан Сизни қизил табриклайди.

Сорохон! Сизга узок умр, бахт-саодат, янги ижодий зафарлар тилаймиз.

Михайл ЦАРЕВ,
СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати.

Сорохоним Абдурахмонов! Ақолиб шовли юбилейингиз ва юксак ҳукумат мукофотига сазовор бўлишингиз билан бизни ҳам кечис хурсанд қилди. Шодлик туйғуларимизни баҳам кўришни тайинимиз. Узок вақт бахтиёр умр, илҳомбахш ижодий меҳнатга ёр бўлишингиз, тинчлик постиди ҳамша сирак, садоқатли посбон бўлиб қолшингизни тилаймиз ва бунга аминимиз.

М. КОТОВ,
Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети раисининг муовини.



Суратда: «Отелло» спектаклидан бир кўриниш. Дездемона (Сора Эшонтўраева), Отелло (СССР халқ артисти Абдор Хидоятлов).

К. РОМЕЕВ фотоси.

Реклама ВА Эълонлар

„ФЕЯ“ — УНИВЕРСАЛ ЮВУВЧИ ВОСИТАДИР!

«Фея» ҳар қандай сувда сочин ихти тозалайди. У материаллардан, қорачу ва ёғ доғларини яхши пектилади. «Фея»нинг ани бир фазилати шуки, у бадаллаги лат еган, нисбатан жойларнинг, ҳар хил тери касаллиқларининг тезроқ тувалиб кетишига ёрдам беради.

«ФЕЯ» КРЕМЛА ҲИШАГАН СИНТЕТИК ЮВУВЧИ ВОСИТАДИР. ШУ ВОСИТА БИЛАН ИСТАЛГАН НАРСАНИ ЮШИ МУМКИН. «ЛЕЛЬ» ЭСА СОЧИНИНГ МАЙИНЛАШТИРИБ, УНГА ЯЛТИРОҚЛИК БЕРАДИ. «ЛЕЛЬ» — БОШИ ЮВАДИГАН ВОСИТАДИР. У СОЧНИ ҲАР ҚАНДАЙ СУВДА, ҲАТТО ДЕНИЗГИ СУВДАДА ҲАМ ЯХШИ ТОЗАЛАЙДИ.

Яхши ювалган сочин истаган томонингизга тараб қўйингизнинг мумкинлигини унутманг. «Лель» воситасини давлат сандоси ва матлубот кооперацияси мағозиниларида сотиб олиш мумкин.

ЦИНИТЭнефтехимиянинг реклама бўлими.
«Главкоопторгеклама».



БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.00 — Кўрсатувлар програм.

Узбек тилида: 10.10 — Янгилик.

лар, 10.20 — Телевизион миниятюралар театри.

11.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.20 — Кўрсатувлар програм.

маси. 17.25 — Болалар учун

мультифильм (рус тилида).

Узбек тилида: 17.45 — «До, ре, ми, фа, соль».

Болалар учун музикали тушунтирув программа.

18.25 — Далада ыппақстанлар, синлар учун.

«Кубок оҳангар» (фильм-концерт, рус тилида).

18.55 — «Ахборот» информатсион программаси (рус тилида).

19.10 — «Фавкуллода юмисар» (бадий фильм).

20.40 — «Ешлин» студияси кўрсатади.

«Оталар сўзи» — ақлнинг кўзи, 21.40 — «Ахборот» информатсион программаси.

22.00 — СССР ташкил топан кунининг 50 йиллигига бағишланган республикамиз областлари, мининг телевизион фестивали.

ҚАШҚАДЭР ОБЛАСТИ. 1-кўрсатув.

МОСКВА КУРСАТАДИ

23.30 — Рангли телевидение

Хоней бўйича халқаро учрашув.

ЧССР — КАНАДА.

НИКИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.40 — Кўрсатувлар програм.

маси. 9.45 — «Кичик муаллима» (бадий фильм, рус тилида).

УКУВ ПРОГРАММАСИ

11.30 — География. 7-синф.

Анимут ва дирекцион бурчлар (уфун тилида).

12.00 — Телефильм. 12.25 — География. 7-синф.

Анимут ва дирекцион бурчлар (рус тилида).

13.00 — Кўша ҳаранати хафсизлиги учун (рус тилида).

17.20 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

23.00 — Рангли телевидение.

«Уруш ва тинчлик» (бадий фильм, 3-серия, ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.10 — Укув программаси.

География. 7-синф. Анимут ва дирекцион бурчлар.

Тикрорий кўрсатув (ўзбек ва рус тилларида).

18.10 дан — Душанба кўрсатади.

1 ОКТЯБРЬ

УКУТУВИЧЛАР КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.20 — Кўрсатувлар програм.

маси.

Узбек тилида: 9.30 — Янгилик.

лар, 9.40 — «До, ре, ми, фа, соль».

Болалар учун музикали тушунтирув программа.

10.20 — «Ассалом», меҳрибонлар.

«Кубок оҳангар» (фильм-концерт, рус тилида).

11.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.00 — Кўрсатувлар програм.

маси.

Рус тилида: 17.05 — Ҳаётуви

лар учун. «Янгра барабан».

17.35 — «Ахборот» информатсион программаси.

Узбек тилида: 17.50 — «Ғи, нут музика».

18.00 — Телевизион миниятюралар театри (тақририй кўрсатув).

18.40 — «Ахборот» информатсион программаси.

18.50 — «Устоз ва мураббий».

20.30 — СССР ташкил топан кунининг 50 йиллигига бағишланган республика областларининг телевизион фестивали.

Қаشقадарь области (2-кўрсатув).

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/IX да Майсанининг кунини, 1/Х да Этин кийган мушун (кудуз), Золушка (кечурун).

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — Аяноларини, 1/Х да Ой тутилган тунда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва Давлат цирки артистларининг гастроллари (кеч соат 8 да).

Шанба кунлари: кундуз соат 3 да ва кеч 6 да, яқинда кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Рус диласи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОС, ТО!» (кудуз ва кечурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

«СПУТНИК» (кудуз соат 11, 3, кеч 7 ва 9 да).

Менинг сўнги тангим — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИ» (кудуз ва кечурун).

«ЎЗБЕКИСТОН» (кудуз ва кечурун).

Эркан ва аёл — КОМСОМОД 30 ЙИЛЛИГИ (кудуз ва кечурун).

Қиз-Жибен — САНЪАТ САРОПИ (кудуз ва кечурун).

«ЧАНКА» (кеч соат 8.45 минутда).

Кашмирдаги севги (2-серия) — «КҒИЛА» (кудуз ва кечурун).

Лочин изида: Ой бурилар — НАВОИЙ НОМЛИ (кудуз ва кечурун).

Анжелика ва кирол: Анжели — фаршхаллар маликаси

ХАМЗА НОМЛИ (кудуз ва кечурун).

Асвога тушув — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Тошдаги достон — «СПУТНИК» (кудуз соат 12, 1, 4 ва кеч 8 да).

Зурамон мусос — «МОСКВА» (кудуз ва кечурун).

Омали ижтимоилар — «ЧАНКА» (кудуз ва кечурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Рус диласи — «ФЕСТИВАЛЬ».

Обуначилар диққати!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЯНГИ
„СОВЕТСКАЯ
КУЛЬТУРА“
ГАЗЕТАСИГА
1973 йил учун

ОБУЧА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газет театр, кино, тасвирий санъат, музика ва хореография санъати, радио ва телевидение, турмуш маданияти, китоб нашри масалалари, янги соҳиблик маданиятининг асосий проблемаларини ёритиб беради. «Советская культура» газетаси ҳафтада 3 марта «Правда» форматидида, 8 саҳифа ҳақидада чиқади.

ЖУРНАЛОНЛАР ДИҚҚАТИ!

1973 йил январдан бошлаб ЯНГИ ОММАВИЙ АДАБИЯТНИНГ ВА ВИЛЮГОГРАФИ

„ЛИТЕРАТУРНОЕ ОБОЗРЕНИЕ“ ЖУРНАЛИ ЧИҚА БОШЛАЙДИ

Журналда ҳозирги адабиётнинг ақтуал проблемалари ёритилиб, совет ва чет эл ёзувчиларининг янги асарларига мунтазам равишда тақрирлар бериб борилади. Журнал авторлари орасида атоқли ёзувчилар, таниқлилар, олимлар бор. Ўзбекистон ССР алоқа министрининг «Союз-печат» бошқармаси.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИ!

БЮДЖЕТ ОБУНАСИНН РАСМИЯЛАШТИРИШ БИЛАН ШУ. ГУЛЛАНУВЧИ БАРЧА КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан бюджет маблағлари ҳисобига обуна нархи раҳбар ва бухгалтер томонидан қўл қўйилган талабномадан бўйича расмийлаштиришга қабул қилинади.

Талабномалар маданий-маънавий мақсадлар ва кизмат зурратлари учун алоҳида тўлиган бўлиб уларга обуна ўтган йилги ларангадан ошмаслиги алоҳида кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон ССР алоқа Министрининг «Союз-печат» бошқармаси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг бошқармаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64897
Р.—02612. Б. 1849.

«Пахтакор»

«ПАХТАКОР» ИТАЛИЯДА

Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари 27-сентябрь кунини Италия пойтахти Римда ўртоқлик учрашув ўтказдилар. Уларнинг рақиб мамлакатнинг кучли командаси «Рома» эди. Жуда кўп халқаро мусобақаларда гўли чиққан номдор бу клуб билан ўзбек футболчилари тенга-тенг беллашдилар. Учрашувнинг 41-

минутида майдон эгаларидан Фирдаус Абдурахмонов, Шухрат Исмоилов, Зинур Саломов, Виктор Антонов, Димитрий Пугачев ва бошқалар бор. Ҳамшаҳарларимиз Иорданиядан қайтиб келган мамлакат чемпиони олий лигасидаги мусобақаларга тайёргарлик кўрадилар. Бу мусобақаларнинг иккинчи ҳал қилувчи тури 23 октябрдан 1 ноябргача Тошкентда ўтади.

ҚУЛ ТУПИ УСТАЛАРИ

Бугун Тошкент Физкультура институтини спорт клуби кўл тўпи командаси аъзолари Москвадан Иорданияга ўтиб кетадилар. Улар бу мамлакатда сақич кун бўлиб Иорданиянинг етакчи клублари билан бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказадилар. Чет эл сафарига йўл олган спортчиларимиз орасида номин кўл тўпи шиван-

ИОРДАНИЯГА БОРАДИ

дларига яхши таниш бўлган Фирдаус Абдурахмонов, Шухрат Исмоилов, Зинур Саломов, Виктор Антонов, Димитрий Пугачев ва бошқалар бор. Ҳамшаҳарларимиз Иорданиядан қайтиб келган мамлакат чемпиони олий лигасидаги мусобақаларга тайёргарлик кўрадилар. Бу мусобақаларнинг иккинчи ҳал қилувчи тури 23 октябрдан 1 ноябргача Тошкентда ўтади.

КАМОНЧИЛАР

Республика спорт маҳорати олий мактабидида ўқийдиган олимпия таълим ташкил этилганлигига ҳали кўп бўлгани йўқ. Пойтахтимизда спортнинг бу қизқаргли турига иштирокчилар ортб бормоқда.

Ўқийдиган мусобақалар яқинда Мюнхен олимпиадасида ҳам ўтказилганлиги маълум. У бундан бую олимпиада программаларидан мустаҳкам жой олади.

Куни-кеча пойтахтимизнинг «Локомотив» жамаияти спорт базасида спортнинг ана шу ту-

МУСОБАҚАСИ

ри бўйича Ўзбекистон шахсий команда чемпионати тугади. Бундай мусобақа бизда биринчи марта ташкил этилди. Қатнашчилар «М-1» машини бажаришди. 50 метрга отишда «Локомотив» жамаияти вакили Юрий Кутини гўли чиқди. 30 метрлик масофада эса шу жамаият аъзоси Александр Крегель ҳаммадан кўп очко тўпладди. Команда ҳисобида темир йўлчилар ютиб чиққани, Иккинчи ўринни «Динамо» учинчи ўринни «Пахтакор» мерганлари олдилар.

ПАРИЖДАГИ УЧРАШУВЛАР

ВАШИНГТОН. 28 сентябрь. (ТАСС). Кеча Парижда Вьетнам хусусидаги музокараларда ВДР делегацияси бошлиғининг махсус маслаҳатчиси Ле Дик Тво ва АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ерданчиси Г. Киссенжер учрашдилар.

Ле Дик Тво билан Г. Киссенжер кейинги кунларда шу билан икки марта учрашдилар.

Оқ Уй шу учрашувлар бўлганлигини тасдиқладию, аммо музокараларнинг мазмунини сир тутмоқда.